Инв. № Гос. каз

БУЮК БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СССР

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 102 (19.178). ● ● 1985 йил 2 май, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

Кеча Советлар мамлакати халқлари, шу жумладан серқуёш республикамиз меҳнат аҳли Халқаро бирдамлик куни—Биринчи майни зўр тантана билан нишонладилар. Байрам шодиёналари совет халқининг жонажон Коммунистик партия теварагига мустаҳкам жипслашганлигини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш ҳамда КПССнинг XXVII съездини ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётганлигини яна бир бор намойиш этди.

МОСКВА. 1985 йил 1 Май. Қизил майдон. Суратда: В. И. Ленин Мавзолейи минбари.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

БИРИНЧИ МАЙ ЮЛДУЗЛАРИ, ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

Москва Қизил майдонида меҳнаткашлар намойиши

Сукунат онлари. Улуғ байрамнинг тантанали сукунати. Спасск минорасидаги соат миллари «10» рақамига яқинлашган ҳамоно бу байрам Қизил майдонга кириб келади. Гўё бугунги кун билан ўтган кун, яъни сўнмас зафарларини биз келажак сари олиб ўтадиган тарих ҳозир бир лаҳзаликка яхлит жипслашгандек.

Сукунатга қулоқ берайлик, улуғ воқеаларни эсга олайлик...

«Мавзолейнинг гранит тошларида, Кремль девори кунгираларида қуёшнинг заррин нурлари товланади, Спасск минорасидаги соат кўзни қамаштиради. Ажойиб кўклам куни бошланишидан дарак берувчи тароватли беғубор тонг отмоқда. Ғалабамиз тонги отмоқда». «Правда» газетасининг 1945 йилда Москвада ўтказилган Биринчи май намойиши тўғрисидаги репортажининг шу сатрлари бугун хотирага келади. Емғир ёғиб турганлигига қарамай, мамлакатнинг бош майдонида ҳозир бўлган кишилар яна ўша куннинг кайфиятини бошдан кечиргандек бўладилар.

Баҳор ва умид рамзи — Биринчи май қирқ йил муқаддам Буюк Ғалабанинг даракчиси бўлган эди. Икки байрам бир бутун бўлиб бирлашган эди. Узоқ йиллар мобайнида биринчи бор совет кишилари ўшанда уруш тугайдиган кун жуда яқинлашиб қолган бир пайтда яна Қизил майдонда тўпланган эдилар: жанг ваҳший фашистнинг инида бораётган эди. Москвада эса 1408 кунгача деразаларга тутиб қўйилган қора пардалар бир кун муқаддам олиб ташланган. Кремль юлдузларининг ғилофлари кўтарилган ва бу юлдузлар яна Ватан узра порлай бошлаган эди.

Биринчи социалистик давлатнинг пойтахти айни Биринчи май куни—Ер юзи халқларининг пролетар бирдамлиги куни ўзининг тинчлик қиёфасида намоён бўлганлиги ажойиб, чинакам рамзий воқеа бўлган эди. Фашизмни тор-мор этаётган совет кишилари ўз ерларини озод қилибгина қолмай, бутун инсониятнинг озодлиги ва бахт-саодати учун курашдилар. Совет кишилари байрамни нишонлар эканлар, Варшава ва Софияда, Қизил Армия озод этган Европанинг бошқа шаҳарларида байрам бўлиб ўтганини, қора кўйлаклилар зулмини улоқтириб ташлаган Римда салкам 60 минг кишилик ишчилар намойиши бўлганини эшитиб беҳад қувондилар.

Бугунги байрам куни биз бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиш, партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш ҳақида ўйлар эканмиз, мамлакатимиз лениннча тинчлик йўлидан қатъият билан олға бориб, тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, 40 йилдан бери тинч осмон остида яшаб турганлигидан алоҳида ифтихор туйғуларига тўлиб-тошамиз. СССР Қуролли Кучлари Ватанимизни, унинг иттифоқчиларини пишиқ-пухта ҳимоя қилиш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эга бўлсин деб, бундан буён ҳам куч-ғайратларимизни аямаймиз, деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида.

Варшава Шартномаси деярли ўттиз йилдан бери яшаб келмоқда—шу йиллар мобайнида у кескинликни юмшатишга ва қурол-яроғларни чеклашга, Умумевропа ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган амалий ғояларнинг ташаббускори бўлиб келди. Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар олий партия ва давлат арбобларининг Биринчи май арафасида бўлиб ўтган учрашувида шу фикр тасдиқланди.

Социализм билан тинчлик бир-биридан ажралмасдир. Қизил майдоннинг байрам безаги шу фикрни ифодалайди. Давлат универсал магазини биносидан майдонга қаратиб қўйилган катта паннога «Жаҳон ядро уруши хавфини тугатиш учун курашни кучайтирамиз!» деган сўзлар ёзилган. Ўнг томондаги паннода янги дунё бинокорлари тасвирланган. Улар бошқа узра кўтариб турган , олтинсимон бошоқ боғлами билан байроқларга ёзилган: «Коммунистик бунёдкорликда янги ғалабалар сари, олға!», «Шон ва шараф — меҳнатга яраша!», «1985 йил планини муваффақиятли бажарамиз, беш йилликни муносиб якунлаймиз!» сўзлари мамлакат ҳал қилаётган вазифаларнинг мақсади ва моҳиятини акс эттиради.

Транспарантлардан бирига «Зарбдор меҳнатимиз — XXVII съездга!» сўзлари ёзилган. Коммунистларнинг анжумани очилишига ўн ойдан камроқ вақт қолди. Бу—бутун халқнинг дадил қарорлар қабул қилишини ва зўр ғайрат билан меҳнат қилишини талаб этадиган ҳар томонлама қизғин меҳнат даври бўлади.

Кўкрагига қизил бант қадаб, биринчи маҳфий маёвкага чиққан пролетар бизнинг Биринчи майимизни олис ва порлоқ орзудек тасаввур қилган эди. Қизил Пресня, Қизил гвардия, Қизил майдон... Ишчи маёвкалари гулханларининг учқунларидан ғалабаларимизнинг қизил юлдузлари пайдо бўлди. Жанглардаги ва меҳнатдаги ғалабаларимиз жаҳон пролетариатининг йўлбошчилари—К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин васиятларининг рўёбга чиққанлиги тимсоллари бўлиб қолди. Уларнинг портретлари байрам панносининг марказига жойлаштирилган.

Ўн бешта қизил байроқ ўртасида СССР Давлат байроғи ҳилпираб турибди. Қизил байроқлар — янги дунёнинг тантанаси учун революцион жангларда, меҳнат зафарларида, Ватан шоншарафи ва мустақиллиги учун душман билан шиддатли жангларда эришган ғалабаларимизнинг рамзидир. «Улуғ Ватан урушида жаҳоншумул-тарихий Ғалаба қозонган совет жангчиларининг, партизанлар ва яширин шароитда курашганларнинг, мамлакат меҳнатчиларининг мислсиз жасорати халқ хотирасида мангу яшайверсин!» сўзлари ёзилган панно майдонга ўрнатиб қўйилган.

Минбарларда партия ва меҳнат ветеранлари, фронтчилар, қурувчилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, СССРнинг космонавт-учувчилари турибдилар.

Чет эллардан келган кўпдан кўп меҳмонлар ҳам шу ерда: барча қитъалардаги юздан ортиқ мамлакатнинг касаба союз ва ишчи ҳаракати, жаҳон касаба союзлари федерацияси, бошқа халқаро ташкилотларнинг делегациялари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашчилар Биринчи май тантаналарида қатнашиш учун Советлар мамлакатининг пойтахтига келганлар.

СССРдаги чет эл дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлганлар.

Социалистик мусобақада ғолиб чиққан меҳнат коллективларининг намояндалари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, фронтчилар, мамлакат ички ишлари меҳнатчилари Қизил майдонга келганлар.

Қирмизи байроқлар кўклам шабадасида денгиздек тўлқинланади. Зарбдор вахтада энг юксак муваффақиятларга эришган ишлаб чиқариш илғорлари, беш йиллик гвардиячилари шу байроқларни кўтариб чиқишдек юксак шарафга муяссар бўлганлар. Алоҳида шараф — СССР Давлат мудофаа комитетининг абадий сақлаш учун коллективларда қолдирилган байроқларни Биринчи май намойишига кўтариб чиқиш Улуғ Ватан уруши ветеранларига ишониб топширилган. Биринчи май чақириқлари сўзлари, меҳнат муваффақиятлари сўзлари ёзилган транспарантлар колонналар узра кўтарилган.

Москваликлар 1945 йилда ҳам шу анъанага — байрамларни меҳнат зафарлари билан кутиб олиш анъанасига содиқ эдилар. 1 май куни худди урушдан аввалги даврда бўлганидек, шаҳар саноати апрель ойи планини ошириб бажарганлиги тўғрисида қувончли хабар эълон қилинган эди. Уруш ҳали давом этарди, мамлакат эса экономикани тинчлик изларига қўчира бошлаган эди. Баҳор байрами арафасида партия меҳнаткашларга мурожаат этиб, уруш етказган жароҳатларни тезроқ даволашга даъват қилди.

Бу даъватга москваликлар биринчилар қатори «Лаббай!» деб жавоб бердилар. Улар атиги бир неча ойдан сўнг, урушдан кейинги биринчи 7 ноябрь намойиши вақтида Қизил майдонга меҳнат зафарлари рапортларини билан келдилар: заводимиз фронтга 12 мингта миномет, автомат тўппончалар учун етти миллионтага яқин деталь тайёрлаб берди, ҳозир эса автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқараяпмиз; биз минглаб танкларни электр техника билан

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ. 1985 йил 1 Май Совет Ўзбекистони пойтахтининг бош майдонида.

ЛЕНИН НОМИ БИЛАН ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Тошкентда меҳнаткашларнинг Биринчи май намойиши

Биринчи май куни Ўзбекистон пойтахтининг Владимир Ильич Ленин номидаги марказий майдони узра қизил байроқлар синфий жангларнинг ёғдусидек ғолибона ҳилпираб турибди. Эрта тонгдан Тошкентнинг барча томонларидан майдон сари йўл олаётган намойишчилар колонналарининг бир текис сафлари узра ҳам қизил байроқларни кўрамиз. Улар намойишда иштирок этиб, меҳнат аҳлининг улуғ қардошлигига, «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган жанговар даъватга содиқ эканликларини яна бир бор тасдиқламоқдалар. Ана шу жанговар даъват бизнинг кунларимизда ҳам баралла янграмоқда, ҳар бир киши инсониятнинг порлоқ келажаги учун тинчлик, демократия ва социализм учун курашчиларнинг умумий сафидаги ўз ўрнини мана шу даъватга мувофиқ белгилаб олади.

Ўзбекистонликлар меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунида барча совет кишилари билан биргаликда синфдош қардошларга қизғин салом йўллайдилар, уларни империализмга қарши, тенглик ва социал адолат учун курашда бирликни мустаҳкамлашга даъват этадилар. Улар байрам куни ўз зафарлари тўғрисида рапорт бериб, социализм афзалликларини, улуғ Ленин кўрсатган йўлнинг тўғрилигини яққол намойиш этмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари доҳий номи билан, у ташкил этган Коммунистлар партияси раҳбарлигида ССР Иттифоқидаги барча халқлар билан елкама-елка туриб, бунёдкорлик йўлидан комил ишонч билан бормоқдалар. Биринчи майни социал ва иқтисодий қурилишда, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Тошкент биноларини безатиб турган кўпдан-кўп панно ва транспарантлар Ўзбекистон, Тошкент меҳнаткашлари шу муваффақиятларни кўпайтиришга, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини ҳамда КПСС XXVII съездига тайёргарликни янги ютуқлар билан нишонлашга интилаётганликларидан далолат беради. Марказий майдонда СССР ва қардош иттифоқдош республикаларнинг байроқларини, марксизм-ленинизм асосчиларининг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретларини кўрамиз.

...Меҳмонлар учун мўлжалланган минбарлар лиқ тўлган. Минбарларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, партия ва уруш ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари, таниқли фан ва маданият арбоблари туришибди.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Ҳайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ҳукумат минбарига кўтарилдилар.

Минбарларда турган кишилар намойишчиларнинг дастлабки колонналарини давомли қарсаклар билан кутиб оладилар. Майдонда намойишни бошлаб берган кишилар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари бор Гитлерчилар фашизмига қарши жангнинг бутун оғирлигини ўз зиммаларига олган бу кишиларнинг хотирасида зафарли 45-йил манзаралари асло сўнмайди. Бугунги кунда ҳам уруш қатнашчилари ишлаб чиқариш илғорларининг, планетада тинчликни мустаҳкамлаш учун энг актив курашчиларнинг сафларида бормоқдалар. Уларнинг эсдаликлари, суҳбатлари ёшларга Ер юзида тинчлик ва ҳаёт бўлсин, деб кўрсатилган умумхалқ жасорати улуғворлигини яна ҳам чуқурроқ тушуниб олишларида ёрдам бермоқда.

(Давоми учинчи бетда).

БИРИНЧИ МАЙ ЮЛДУЗЛАРИ, ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

таъминладик, ҳозир эса тракторларни шундай асбоблар билан таъминлаяпмиз; автоматлар учун 2,5 миллион ёғоч қўндоқ ясаб бердик, ҳозир эса доимий ишимизга қайтдик — мебель ясаяпмиз.

Ҳозир Москва меҳнат аҳлининг рақамлари бошқача, ўлчов миқёслари ошди. Беш йиллик мобайнида 700 турдаги янги машиналар, асбоб-ускуналар, аппарат ва приборларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Пойтахтнинг 1,2 миллиондан ортиқ аҳолиси уй-жой шароитларини яхшилаб олди. 6,9 миллион москвалик В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигини коммунистик шанбаликда зарбдор меҳнат қилиш билан нишонлади. Ғалаба ёдгорлиги қурилиши фондига 32,3 миллион сўм ўтказилди. Қаҳрамон шаҳарларнинг Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасини 4 майдаги шанбалик билан тугаллаш тўғрисидаги ташаббусига бутун мамлакат қўшилди. КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа кенгайиб, кучайиб бормоқда.

Пойтахт байроғидаги Олтин Юлдуз ва бошқа мукофотлар москваликларнинг жанговар ҳамда меҳнат жасоратлари далилидир. Қаҳрамон шаҳар эмблемаси ҳаво шарида майдон узра парвоз қилди. Яна икки шар В. И. Ленин портретини ва «1 Май» деб ёзилган вимпелни Москва осмонига кўтарди.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини москваликлар ва пойтахт меҳмонлари «Ура!» хитоблари билан, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқлар Мавзолейнинг марказий минбарига кўтариладилар.

Минбарга таниқли совет ҳарбий бошлиқлари чиқадилар.

Кремль курантларининг ўн карра бонг уриши тантанали сукунатни бузади. Фанфарларнинг овози байрам бошланганидан дарак беради. «Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги куни — 1 Май!» деган табрик сўзлари одамлар дengизи узра қайта-қайта такрорланади. «Яшасин Совет Иттифоқи. Коммунистик партияси!» сўзлари айтилиши билан ҳамма бараварига «Ура!» деб хитоб қилади.

Пионерлар Мавзолей минбарига югуриб чиқадилар. Улар Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларига гуллар ва қизил бантлар топширадилар.

Меҳнаткашларнинг байрам юриши бошланади.

Гўзал майдон азиз меҳмонларни ўз бағрига олади. Пойтахтнинг ҳамма районлари бугун ўзининг бунёдкорлик қудратини, янги дунё бинокорларининг оптимизмини намойиш этади.

Меҳнат гвардиясининг қирмизи сафлари узра:

Жўшқин ва қудратли,
асло енгилмас
Ватаним менинг,
Москвам менинг,
Севикли пойтахтим
менинг! —

деган тантанали ва ўйноқи, илҳомбахш марш куйлари таралади.

Пролетар районининг колоннасига автозаводчилар бошчилик қиладилар. И. А. Лихачев номли завод мажбуриятидаги: «ЗИЛ-169» марқали дизель автомобилларидан элликтасини партия XXVII съездига совға қиламиз!» деган сатрлар транспарантга ёзилган.

— Биринчи Май яшариш байрами, — дейди созловчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ю. Т. Барулина. — Бизнинг заводимиз ҳам яшармоқда. Зилчиларнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан яқинда бўлиб ўтган учрашувида корхонани реконструкция қилишни қандай қилиб жадаллаштириш, жаҳон стандартлари даражасида машиналарни қандай қилиб яратиш ҳақида қизғин амалий суҳбат бўлди, мен ҳам шу суҳбатда қатнашишга мушарраф бўлдим. Биз, ишчилар шу суҳбатлар вақтида кўтариб чиққан кўпгина масалалар КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг материалларида ўз ифодасини топганлиги қувончлидир. Пленум материалларида ишлаб чиқаришни илмий-техника асосида қайта қуроллантиришнинг, меҳнат унумдорлиги олий жаҳон даражасига эришишнинг аҳамияти алоҳида куч билан таъкидланди. Зилчилар бу энг муҳим иқтисодий кўрсаткични изчиллик билан оширмоқдалар: беш йилликнинг меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи муддатидан илгари, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги кунигача бажарилади.

Советлар мамлакати ишчилар синфининг энг яхши намояндалари ҳамиша ўз меҳнатининг натижалари учун юксак масъулият туйғусини намойиш қилиб келганлар. Шу туйғу ҳозир ҳар биримизнинг ҳаётий позициямизни белгилаб бериши айниқса муҳимдир.

Эндиликда биз инсон омилини ялпи янгилаш воситалари жумласига ҳақли равишда қўшяпмиз. Экономикани такомиллаштиришда бу омилнинг имкониятлари катталигини Ленин районининг меҳнаткашларининг намунаси яққол кўрсатиб турибди. Район қурилиш ташкилотларида интизом ва уюшқоқлик анча ошди. Шунинг натижасида йил бошидан буён меҳнат унумдорлиги икки процент кўтарилди. Бу—намойишчилар байрам кайфиятини вужудга келтирган кўпгина яхши якунларнинг биридир.

— КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун шу кунларда кенг қулоч ёзаётган мусобақанинг маънавий моҳияти юксакдир, — дейди пойтахтдаги «Метрострой» трести қурилиш-монтаж бошқармасининг механиги, партия ташкилоти секретари А. С. Морухов. — Ҳар бир киши ўз иш жойида беш йилликка кўпроқ шахсий ҳисса қўшаётганлигида ҳам шу маъно намоён бўлмоқда. Бу соҳада аввало биз, коммунистлар ибрат кўрсатяпмиз. Большевикча анъаналарнинг жонли давомийлиги, партия аъзосининг ҳалол ва виждонли қиёфаси шунда ҳам намоён бўлаётганига аминман.

Коммунист Морухов ўз бурчини бажариб келди ва муносиб равишда адо этмоқда: унинг бутун умр бўйи қилган ишлари шуни яққол тасдиқлайди. Тақдир тақозоси билан Александр Сергеевич ўз умрининг учдан бир қисмини ер остида ва сув остида ўтказди. У пойтахт метроси қурилишида ишлаб орден ва медалларга сазовор бўлди, Улуғ Ватан урушидаги жасоратлари учун эса сувости дengизчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди.

Ветеран ўз шогирдлари билан бирга Мавзолей олдидан ўтиб борар экан, бениҳоя фахрланади. Уларнинг кўплари ўз устози каби Биринчи Майгача шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб бўлдилар.

Метро қурувчилар пойтахт ерости йўлларининг чегараларини кенгайтирмоқдалар. Метрони ишлатувчи ходимлар улардан зарбдор, ижодий меҳнат эстафетасини қабул қилиб олмоқдалар. Яна бир неча кундан кейин 50 ёшга тўладиган метронинг ҳар бир кишига таниқли бўлиб қолган эмблемаси майдон узра пайдо бўлади. Шу вақт ичида тезюрар ерости поездларида 60 миллиард пассажир қатнаганини транспарантдаги ёзувлардан билиб оламиз.

— Москва ерости темир йўлимиз катта ёшга етган бўлишига қарамай, ҳамон навқирон, — дейди «Красная Пресня» депосининг машинисти М. А. Негодин. — Бу йил ҳам янгиликлар билан москваликларни ҳурсанд қилмоқчимиз — «Полянка» ва «Боровицкая», «Третьяков» ва «Прага» станциялари пассажирларга хизмат қила бошлайди.

Метрополитенчилар тилларда достон бўлган Красная Пресня колоннасида ўтишмоқда. Кремль деворлари ёнида 1905 йил революцияси байроғи тасвирланган алвон мағрур ҳилпираб турибди. Синфий жанглар баррикадаларига чиққан дружиначи ишчиларнинг жасорати қалбимизда мангу яшайди. Советлар мамлакати Россиядаги 1905 — 1907 йиллар революциясининг 80 йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Қўзғолон кўтарган Преснянинг ишончли қалъаси «Трехгорка» тўқувчилари ўтиб бормоқдалар. Бу ердаги шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари авлоддан-авлодга ўтмоқда.

М. А. Мариненкова чоризмга қарши кураш қатнашчиларидан ишчи маҳорати ва гражданлик сабоқларини биринчи бўлиб олганлардан биридир. Турмушимизнинг тарихий мантиқи ўзи шунақа: бу меҳнатга стахановчасига ёндашиш сабоқлари эди. Мария Алексеевна уларнинг бебаҳо тажрибасини умр бўйи давом эттириб, шогирдларига ҳам ўргатди.

— Менинг «Трехгорка»даги иш стажимда атиги бир неча ой танаффус бўлган, — дейди эслайди ветеран. — Фашистлар Москва остоналарига яқинлашиб қолган пайтда халқ лашкарлари сафига ёзилдим, қўлимдан келганча душманга зарба бердим. Ярадор бўлганлигим сабабли яна цехга қайтдим. Аммо бу ердан ҳам фронт линияси — зарбдор, меҳнат линияси ўтар эди. Мен бошчилик қилган бригада комсомолёшларнинг фронтчи бригадаси деб аталганлиги бежиз эмас эди: ҳар биримиз икки кишининг иш зонасида стахановчасига ишладик.

Ветераннинг ҳикоясига шундай тафсилотни қўшимча қилмоқчимиз: ўша фронтчи бригададан етишиб чиққан тўқувчиларнинг номлари энди бутун мамлакатга машҳур — Д. П. Смирнова, В. А. Погибелова шулар жумласига киради. Уларнинг ҳаммалари жонқуярлик, маҳорат ва илҳом билан меҳнат қилиш қоидасига содиқ бўлиб қолдилар. Ҳозир ҳам, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги нишонладиган пайтда пойтахт тўқувчиларининг колоннасида мураббийлар ўзларининг кўпдан-кўп издошлари билан бирга бормоқдалар. М. А. Мариненкова ҳозир ҳам меҳнат қилаётган йигирув ишлаб чиқаришида элликдан ортиқ ёш ишчи станокларнинг кенгайтирилган зонасида хизмат қилмоқда. Биринчи Май арафасида кўпгина участкаларда «Намунавий иш жойи» вимпеллари пайдо бўлганлиги уларнинг ишига берилган баҳодир.

— Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас! — дейди табассум қилиб ёш тўқувчи Татьяна Данилова. — Биз ўзимиз учун ишлаяпмиз, ахир. Қизларимиз халққа кўпроқ чит тўқиб чиқаришга интилмоқдалар.

Мамлакат ДнепроГЭСни, Магниткани, социалистик индустриянинг бошқа тўнғич корхоналарини қураётган пайтдаги Биринчи Май намойишларидан бирида «Красний пролетарий» ишчилари меҳнат зафарларининг бу йилномасига ҳисса қўшажакларини баралла айтган эдилар. Улар машҳур ДИП — «Қувиб етамиз ва ўзиб кетамиз», деб аталган биринчи совет токарлик станогининг моделини майдондан ифтихор билан кўтариб ўтишди.

Пойтахт станоксозларининг бугунги Биринчи Май рапортидаги сатрларни бамисоли авлодларнинг йўқламаси деса бўлади. Корхона меҳнатчиларининг колоннаси кўтариб ўтган плакатларга «1985 йилда 1500 та робот техникаси комплексини ишлаб чиқарамиз» деган сўзлар ёзилган.

— Бу йил, — дейди «Красний пролетарий» заводининг бош электроники В. Н. Позняк, — завод конвейеридан қўлда бошқариладиган сўнгги универсал токарь станоги чиқди. Таниб бўлмас даражада такомиллаштирилган бу станокни ДИПларнинг бевосита «авлоди» деса бўлади. Энди у электроника назоратида ишлайдиган принципиал янги техникага ўз ўрнини бўшатиб берди. Партия Марказий Комитетининг апрель Пленумида таъкидланганидек, янги беш йиллиқда янги техникани жорий қилиш жадал суръатлар билан олиб борилади ва бизнинг тармоғимиз бу соҳада ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Станоксозлар намойишга муҳим янгиликлар билан чиқишди. Улар рақамли программа асосида бошқариладиган серунум станокларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Яқинда эса янги черемушкаларда одамсиз технология деб аталган технология асосида ишлайдиган мамлакатдаги ягона корхона беш йилликка хизмат қила бошлади. Бу ерда саноат роботларини кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди. Асбоб-ускуналарнинг қизил пролетарчилар бу йил ишлаб чиқарган комплекти ўн икки минг ишчини сермеҳнат операциялардан ҳоли қилади.

— Бизнинг олдимизга кенг миқёсли вазифалар қўйилган, — деди сўзини якунлаб мутахассис. — Бу вазифалар бутун коллективда ва, аввало, биз — инженерлар, конструкторлар, технологлардан касб-кор билимларини чуқурлаштириши талаб қилади. Янги техника билан ишлаш инженер меҳнатининг нуфузини, касбимизнинг роли ва обрўэътиборини оширади. Марказий Комитет Пленумида бунинг муҳимлиги қаттиқ таъкидлаб ўтилганлиги ғоят актуалдир.

Намойишчиларнинг зафарлардан қувончи, шу куннинг байрамона кайфияти уларнинг янги, янада мураккаб вазифаларни ҳал этиш муддаосини, ҳали резервларнинг ҳаммаси ҳам бунёдкорлар жамиятига хизмат қилдирилмаётганлигидан қаноатланмаслик туйғусини яширмайди.

Анъанага садоқатли партия олға томон қиладиган ҳаракатимизда йўналишларини белгилар экан, халқнинг жонли ижодкорлигига, унинг ақл-заковатига, истеъдоди ва меҳнатига таянади. 1-автокомбинат коллективининг намунаси меҳнаткашларнинг социал активлигини, ташаббускорлиги ва куч-ғайратини ошириш— қудратли резервимиз эканидан яққол далолат беради. Пойтахтнинг энг катта транспорт корхонасида янги техника сотиб олишга қўшимча харажат қилмай, ишларни механизациялаш соҳасида тармоқдаги юксак даражалардан бирига эришилди.

Новаторлар ўзларининг салмоқли сўзларини айтдилар: ўтган йилнинг ўзида улар ишлаб чиққан ва ясаб берган мингтадан кўпроқ қурилма, механизм, мосламалар меҳнатни осонлаштирди, унинг сифатини оширди. Энди байрам куни, намойиш куни айтилган қуйидаги сўзларга қулоқ солинг:

— Новаторларнинг ҳаракати, — дейди авторемонтчи, Москвада хизмат кўрсатган рационализатор А. А. Ионин, — корхонамизда чинакам оммавий тус олди. Ижодкорликнинг ҳақиқий умумкомбинат байрамлари ишлаб чиқаришнинг жамоат кўриклари ўтказилиши бунга имкон берди. Ички резервларни зўр бериб қидиришнинг «сирлари»дан бири жонли, манфаатдорлик муҳитидир. Партия қарор топтиришни талаб қилаётган услуб-чунончи, ишчанлик конкретлик услубини, дабдабабозликни, қуруқ ваъдалар беришни тугатиш услубини биз, ишчилар сидқидилдан қабул этамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Жиддий иқтисодий ва социал вазифаларни қатъий ишчанлик йўли билан, ижодий тарзда, юксак онглилик ва мустаҳкам интизом асосидагина ҳал қилиш мумкин.

А. А. Ионин кўпгина касбдош ўртоқлари каби Биринчи Майга ўзининг новаторлик совғасини тайёрлади — «Зил» юк машиналарини ремонт қилиш жараёнини енгиллаштирадиган манипуляторни ишлаб чиқди ва ясаб берди.

Майдонда Москва «Парижская коммуна» пойабзал фабрикасининг оппоқ олма гулларига бурканган эмблемаси кўзга ташланади.

Корхона коллективини новатор коллектив деса бўлади. Фабрика корпусларида вужудга келган кўпгина янгиликлар кейинчалик бутун тармоқнинг мулки бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш ходимлари олимлар билан мустаҳкам ҳамкорликда резервларни доимо қидирмоқдалар. Техника тараққиётининг мураккаб проблемаларини ҳал қилмоқдалар. Бу йилги Биринчи Майда ҳам «Парижская коммуна» ўз анъанасига содиқ: бу ерда янги асбоб-ускуналар билан таъминланган янги ишлаб чиқариш корпуси ишга туширилди.

Унинг коллективи ленинча коммунистик шанбалик кунида биринчи жиддий имтиҳондан ўтди — зарбдор вахтанинг умумий натижасига салмоқли ҳисса қўшди. Корхонада тежаб қолинган хом ашёдан 31 минг жуфтдан ортиқ сифатли, кўркам, модали пойабзал тайёрланди.

Фабрика заготовкачиси Л. Н. Одинокова намойишга чиқар экан, кўкрагига қизил бант ва депутатлик нишонини тақиб олган эди.

— Партия Марказий Комитетининг Биринчи Май арафасида бўлиб ўтган Пленумида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ошириш, сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш вазифаси жуда ўткир қилиб қўйилди,— деди у. Енгил саноат ва маиший хизматни ривожлантиришнинг комплекс программаси белгиланди, бу программа яқин вақт ичида тасдиқланади. Пойабзалчи бўлганим, маҳаллий Советнинг депутати эканим сабабли бу программа мен учун ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ижтимоий фаолиятимнинг асоси бўлиб қолади. Бу программани муваффақиятли амалга ошириш учун ҳозирнинг ўзида, йил охиридаёқ янги беш йилликка дадил қадам қўйишга ҳозирлик кўриш лозим. Янги беш йилликни бажариш соҳасидаги вазифаларни партия XXVII съезди белгилаб беради.

Бу фикрлар ишчилар ва олимларнинг, маиший хизмат конструкторлари ва ходимларнинг фикр-ўйларига ҳамоҳангдир. — Москва меҳнат аҳлининг барча намояндалари бир сафда намойишда қатнашмоқдалар. Қишлоқ учун мутахассислар тайёрлайдиган етакчи «Ўқув штаби» — Тимирязев академиясининг мутахассислари минбарда турган кишиларни табриклаб ўтадилар. Бу илм-фан даргоҳи бошқа илмий марказлар билан биргаликда СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқмоқда.

1961 йилги Биринчи Май намойишида Ватаннинг шонли ўғил ва қизлари қаторида фахрий минбарларда турганлар орасида планетамизни космосдан кўрган Ер юзидаги бирдан бир инсон бор эди. Энди интернационал коллектив бўлиб қолган гагаринчилар отряди сафларида етмишга яқин космонавт бор. Отряд ветерани, ҳозир Космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари А. А. Леонов бу йил бирданига учта юбилейни — отряд тузилган куннинг чорак асрини, ўзининг биринчи бўлиб парвоз қилганлиги ва очиқ космосга чиққанлигининг 20 йиллигини ҳамда «Союз — «Аполлон» учиши вақтида Совет ва Америка халқлари космосда қўл бериб омонлашган куннинг ўн йиллигини нишонлайди.

— Халқаро муносабатлар тарихида ҳали мисли кўрилмаган ўша иш ҳаммани қувонтирган ва планетанинг тинч келажагига умидни кучайтирган эди, — дейди Алексей Архипович. —Икки улуғ давлатнинг космонавтлари Ер курраси узра кўтарилиб чўққига қийинчилик билан чиққандек бўлдилар, ўша чўққидан ҳамкорликнинг кенг уфқлари очилган эди. Ўзгаларнинг айби билан тўхтаб қолган тинч ривожланишни Совет ва Америка халқлари давом эттиришларига ишонамиз. Жаҳон афкор оммасининг қисуви остида, АҚШдаги урушга қарши ҳаракатнинг тазйиқи остида АҚШдагилар хатарли «самовий урушлар» туманидан қутилиб, кўзлари равшан тортган пайтда шундай бўлиши турган гап.

А. А. Леонов шоду хуррам намойишчиларнинг колонналарига қараб туриб, сўзида давом этди:

— Биз, совет космонавтлари бизнинг «самовий майдонимиз» — Ерда авлгидек маром билан ишлайверамиз. Бунинг учун Космонавтлар тайёрлаш марказининг ўқув хоналарида ҳамма нарса — компьютерлар, лазер спектрометрлари, ноёб фотоаппаратлар бор. Бизнинг орбитадан оператив маълумотлар беришимизни геологлар билан балиқчиларгина кутаётганлари йўқ. Энди биз ҳосил учун ишлаяпмиз. Деҳқонлар ва мелиораторлар, балиқ хўжалиги мутахассислари ва аграр саноат соҳасининг бошқа меҳнатчилари космик техникани озиқ-овқат индустрияси технологиясини такомиллаштиришнинг ишончли воситаси деб биладилар. Бу эса космонавтларнинг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида илмий изланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида қўйилган вазифага меҳнат билан берган жавоби бўлади.

Ҳамманинг кайфияти яхши, байрам намойишларининг доимий йўлдоши — қўшиқ янграйди...

— Яхши қўшиқ инсонга доимо керак, солдатга эса айниқса керак,— Совет Армиясининг А. В. Александров номидаги қўш Қизил Байроқ орденли академик ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти Б. А. Александровнинг бу сўзларида ҳозирги фикр-ўйлар ҳам, ўтмиш хотиралари ҳам ифодаланган. — Шоир Михаил Светлов жангда қўшиқ энг олдинги окоп олдида комиссар бўлиб қад кўтаради, деб айтгани тасодифий ҳол эмас. Уруш йилларида илҳомбахш қўшиқлар кўплаб тўқилди, бироқ Василий Лебедев— Кумач сўзларига Александр Александров ёзган «Муқаддас уруш» қўшиғи алоҳида ўрин олади. Бу қўшиқ урушнинг тўртинчи куни пойтахтнинг Белоруссия вокзалида шу ансамбль ижросида биринчи бор янграган эди...

— Ташвишли шовқин-сурон авжга минган ва одамлар билан лиқ тўла вокзал умр бўйи эсимдан чиқмайди, — дейди генерал ва композитор. — Одамларнинг шовқини, қисқа-қисқа берилаётган ҳарбий командалар... Гўё биз артистлар билан ҳеч кимнинг иши йўқдек туюларди. Мана, отам дирижерлик таёқчасини кўтариши билан қўшиқ ҳамма ёқни тутиб кетди, зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Ўтирган кишилар ўринларидан туришди. Худди давлат гимни чалинаётгандек эди. Кейин жангчиларнинг илтимосларига биноан ансамбль қўшиқни қайтадан ижро этди. Қайта-қайта илтимослар туша бошлади... Уруш йилларида ансамбль бир ярим мингтадан кўпроқ концерт берди. Уларнинг кўпи олдинги маррада ўтди. Солдат ва офицерлар бу концертларни руҳий ўқдори деб аташарди. Бундан ортиқ қандай баҳо бўлиши мумкин! Кулфатли замонларда ҳам, халқ шодиёнаси кунларида ҳам мусиқа ҳамиша сафда. Ҳозир биз СССРнинг ГДРдаги маданият кунларида қатнашиш учун музика ва рақсда мужассамлашган руҳий тинчликсеварлик хазинаси билан Берлинга йўл оляпмиз.

Шўх тарона — байрамнинг жарангдор қатнашчиси. Колонналар узра яна халқ севган ва тилдан қўймайдиган ёқимли қўшиқлар янграйди...

Бизнинг мамлакатимизда Ғалабанинг даҳшатли қуроли ҳам, ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII Жаҳон фестивали рамзи ҳам машҳур қўшиқдаги битта ном билан «Катюша» деб аталган.

«Компрессор» заводининг вакиллари реактив қурилма макетини ва пулдор қалпоқли қўнғир соч қизча тасвирини майдондан кўтариб ўтадилар.

— Урушнинг дастлабки кунларида, — дейди фронт йилларининг зарбдори А. А. Кузнецов, — бизнинг олдимизга қуролнинг янги тури — машҳур «Катюша» ишлаб чиқаришни жуда қисқа муддатда ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бир ойдан сал кўпроқ вақт ўтгач, душман бу қуролнинг яксон этувчи зарбаларини сеза бошлади... Коллектив тинчлик давридаги беш йилликлар вазифаларини ҳам фидокорона ҳал этишга интилмоқда. Бизнинг корхонамиз индустрия ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий совутиш ускуналари ишлаб чиқариш байроқдори, деган меҳнат шуҳратини қозонди.

Ветераннинг фикрларини ёш бригадир Геннадий Новиков давом эттирди:

— Менинг тенгдошларим фестивалда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун ўтказиладиган мусобақада чинакам ғайрат-шижоат, ижодкорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бизнинг мақсадларимиз аниқ ва равшан —кўп киши анжуман очиладиган кунгача шахсий беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга, фестиваль кунларида илгаридан тежаб келинган хом ашё ва материаллар билан ишлашга қарор берган.

Майдонда фестивалнинг беш рангли мойчечаклари яшнаб кетади. Гўё жажжи планета пайдо бўлади: йигит ва қизлар ҳамма қитъаларнинг чиройли, миллий либосларида кириб келадилар. Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университетининг талабалари ёшлар анжуманининг шиоридан олинган: «Империализмга қарши бирдамлик!», «Тинчлик!», «Дўстлик!» деган сўзларни турли тилларда қайта-қайта такрорлайдилар.

Москвада бўладиган учрашув планетанинг келгусидаги соҳиби бўлган авлоднинг ёркин байрамига айланади. Айни вақтда у тараққийпарвар ёшларнинг жанговар кўриги, ёшлар жипслашиб, инсониятнинг олижаноб идеаллари — тинчлик, демократия, социал тараққиёт учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтиришга азму қарор берганликларини айтадиган мўътабар минбар ҳам бўлади.

Тантананинг фахрий меҳмонлари орасида — фестиваль халқаро тайёргарлик комитети доимий комиссиясининг аъзолари бор. Улар Ер куррасининг турли жойларидан келган бўлсалар ҳам. ёшларнинг Москвадаги байрамини, БМТ эълон қилган Халқаро ёшлар йили доирасидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлган шу фестиваль муваффақиятли ўтказилиши учун ҳамма ишни қилишдан иборат муштарак муддао билан бирлашганлар.

— Совет пойтахтидаги бугунги гўзал байрамнинг мазмунини «Бирдамлик» сўзи билан ифодалаш мумкин, дейди сальвадорлик Эстебан Карденас. — Бу сўз ёшлар анжуманининг шиорида ҳам биринчи ўринда турганлиги тасодиф эмас. Ҳозир Ер куррасининг турли жойларида қон тўкилмоқда, халқлар азоб-уқубатга ва қувғинга дучор этилмоқда. Жаҳон империализми, реакцияси кучлари — ёвузлик айбдорларидир. Уларнинг усуллари ҳукмини ўтказиш, зўравонлик давлат терроризмидан иборат эканлигини биз, Лотин Америкасидагилар ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Мустақил Никарагуага қўшилиш кампаниясини авж олдириб юборган, Сальвадордаги қонхўр режимнинг ўз халқига қарши олиб бораётган урушида унга хомийлик қилаётган АҚШ маъмурлари шу кунларда халқаро ҳуқуқнинг ҳамма қонунларини мунофиқларча сурбетлик билан оёқости қилмоқдалар.

— Совет кишиларининг, Ер юзидаги барча холис ният тарафдорларининг бирдамлиги ҳаққоний ишимизнинг тантанасига янги куч билан ишонч бахш этади,— дейди суҳбатга аралашиб, никарагуалик Иван Ромеро. Москвадаги Биринчи Май намойишида бўлгани каби фестиваль кунларида ҳам меҳнат аҳлининг Ер юзида халқлар тинчлиги ва бахтсаодатини ҳимоя қилувчи қудратли овози баралла янграшига ишончимиз комил.

—Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг иттифоқи мустаҳкамланаверсин! — КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидаги бу сўзлар майдон узра янграйди.

Тинчлик, социал адолат кучлари, социализм кучлари енгилмасдир. Москваликлар Қизил майдондан тантанали юриш билан ўтиб, партия билан биргаликда унинг доно раҳбарлигида мураккаб бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга, Ер юзида энг одилона тартиб — коммунизм ишининг тантанасига кўпроқ ҳисса қўшишга муттасил интилаверишларини изҳор қилдилар.

...Биз Қизил майдон билан қисқа муддатга хайрлашамиз. Биринчи Май байрам эстафетасини Буюк Ғалаба кунига топширади.

Қизил майдондан репортаж олиб борган ТАСС махсус мухбирлари:

Л. ЕРМАКОВА,
А. БЕЛИКОВ,
М. БОРОДИНЯ,
Ю. БУРЯК,
В. КУЛИКОВ,
В. ПЕТРУНЯ.

РЕСПУБЛИКАЛАРДАГИ ТАНТАНАЛАРДА

Кўп миллатли Совет мамлакатининг шаҳар ва қишлоқлари кўркам либосида совет кишиларининг бутун турмуши яққол ифодасини топди. Улуғ Ватанимиз порлоқ Биринчи Май байрамини тантанали равишда нишонлади. Байрам намойишларида иштирок этган меҳнаткашлар беш йилликни муваффақиятли якунлашга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга азму қарор берганликларини изҳор этдилар.

Киевда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий; Олмаотада — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев; Тбилисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе намойишларнинг қатнашчиларини самимий табриклардилар.

Иттифоқдош республикалар — Белоруссия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон, Эстониянинг партия ва совет раҳбарлари ҳам байрам намойишларининг иштирокчиларини самимий табриклаб турдилар.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ. 1985 йил 1 Май. Меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

ЛЕНИН НОМИ БИЛАН ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

(Боши биринчи бетда).

— Биз Ватанни севишни ва душмандан нафратланишни билар эдик, — деди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Степан Петрович Ильин. — Биз ғоят катта қурбонлар эвазига фашизм вабосини даф этдик, Ватанимизни босқинчилардан озод қилдик, қўпгина Европа мамлакатларини фашизмдан тозаладик. Биз ўшанда фожиа такрорланмаслиги учун ҳамма ишни қилган эдик. Аммо ҳозир дунё яна нотинч бўлиб қолди. Қўшма Штатлар бошчилигидаги империализм жаҳонни термоядро ҳалокатига дучор қилишга уринмоқда. Шу боисдан халқлар хавфсизлиги учун курашда кучларни кўпайтириш, Ватанимизнинг мудофаа қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаш керак. Ленин партияси бизнинг ҳаммамизни ана шунга йўналтирмоқда. Мен ёшларга зеҳн солиб, улар билан тез-тез суҳбатлашиб тураман ва бизнинг ишимиз ишончли қўлларда эканлигига аминман.

Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган меҳнат вахтасида эришган муваффақиятлари тўғрисида рапорт бермоқдалар. Ўзбекистон пойтахтининг саноати тўрт ойлик социалистик мажбуриятини Биринчи майгача бажарди, пландан ташқари 15 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди, меҳнат коллективлари, шунингдек, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ўстиришга эришдилар.

Намойишчиларнинг колонналари узра меҳнатда кучғайратларини оширишга, беш йилликнинг тугалловчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришишга, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб беришга даъват этувчи транспарант ва шиорлар кўзга ташланади. Кўпгина намойишчиларнинг қўлларида Ўзбекистон диёрининг асосий бойлиги— пахта чаноғи бор эди. Тошкент саноат корхоналари қишлоқ меҳнаткашлари учун тракторлар, пахта териш машиналари ва бошқа техника ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтирмоқдалар, уларнинг пухталигини оширмоқдалар.

Беш йилликнинг ёш гвардиячилари байрамона безатилган майдонда ветеранлар билан бир сафда бормоқдалар. СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғорлари орасида механика-йиғув цехининг созловчиси Ҳасан Қодиров бор. У меҳнат қилаётган хўжалик ҳисобидаги бригада ўзига биркитилган барча станок ва агрегатларнинг амалда узлуксиз ишлашига эришди.

Ҳасан — ота-бобоси деҳқон ўтган оилада вояга етиб, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган Риштон районидан Тошкентга келган эди. Ишни бундан беш йил муқаддам токарь шогирдлигидан бошлаб, касбни тез ўзлаштириб олди, Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтди. Ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг кечки бўлимида ўқимоқда.

— Менинг ишим мароқли, ижодий ишдир, — дейди ёш тракторсоз. — Биз ўртоқларимиз билан бирга доимо резерврларни қидириб топиб, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштирмоқдамиз. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган тракторлар ва прицепларда, завод маҳсулот етказиб бериш планларини муддатидан илгари бажарганлигида менинг меҳнат улушим ҳам борлигини англаш қувончлидир. Ҳозир коллектив ғоят баланд руҳ билан яшаб, меҳнат қилмоқда — тез орада Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланади. Зарбдор вахта кунларида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишни уруш ветерани — отам олдидаги, унинг фронтдан қайтиб келмаган уч оғаниси олдидаги, дунёни гитлеризмдан халос этган барча кишилар олдидаги бурчим, деб ҳисоблайман. КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорлари бизни шунга даъват этмоқда.

Байрам колонналарида ёшлар кўп. Москвада бўладиган ёшлар ва студентлар XII жаҳон фестивалининг ранг-баранг эмблемалари майдондан кўтариб ўтилмоқда. Тошкент ёшлари ҳам шу анжуманга меҳнат совғаларини ҳозирламоқдалар. Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан Светлана Тупаева билан Галина Анопа бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари Биринчи май арафасида тўрт ойлик мажбурият муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. Шу билан бирга бу бригадалар маҳсулотнинг аъло сифатли ишлаб чиқарилишига эришди.

Майдонга бинокорлар кириб келишади. Улар йил сайин Ўзбекистон пойтахтини тобора кўркамлаштириб, метрополитен янги линияларини ётқизмоқдалар, уй-жой биноларини барпо этмоқдалар. Кўпгина бригадалар ягона наряд асосида ишлашга ўтишди. «Жилстрой» трестидан Раиса Абдураҳманова бошлиқ илғор монтажчилар коллективи шулар жумласидандир. Бригада йиллик планни 7 ноябргача бажариш, пландан ташқари битта турар жой биносини пардозлаш ишларига тайёр қилиб топширишдан иборат белгиланган мақсад сари ишонч билан бормоқда. Бу коллективда кунлик иш унуми салкам 130 процентни ташкил этмоқда.

— Ҳозир биз иш сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз, — дейди монтажчилар бригадири. — Резерврларимиз ҳали оз эмас, меҳнат унумдорлигини ўстириш учун бундан буён ҳам имкониятларни сабот билан излаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг қарорлари талаб этаётганидек материалларни оқилона сарфлаш учун курашаверамиз. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, бизнинг касбимизни энг тинч касб деса бўлади, биз узоқ йилларга мўлжаллаб биноларни қурамиз. Мана шу байрам куни ҳам жонажон партия билан Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин маъқуллашимизни яна бир бор билдирамиз.

Намойишчиларнинг колонналари узра Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига, бунёдкор халқимиз шарафига айтилган табрик сўзлари янграйди. Намойиш қатнашчилари барча мамлакатлар меҳнаткашларининг бирлиги ҳамда бирдамлигини сақлаш ва ривожлантиришга, Ер юзида тинчлик таянчи — севикли Ватанимизнинг қудратини шавкатли меҳнат билан кучайтиришга қилинган даъватларга қизғин қўшиладилар.

Маҳаллий саноат ва енгил саноат корхоналарининг меҳнатчилари, маиший хизмат. савдо, коммунал хўжалик ходимлари минбарлар олдидан ўтиб борадилар. Уларнинг бутун куч-ғайрати совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга, халқ учун молларнинг сифатини, маиший хизмат даражасини тубдан яхшилашга қаратилгандир. Партиянинг ғоят муҳим ҳужжатлари улардан шуни талаб қилмоқда.

Халқ зиёлиларининг вакиллари майдондан ўтадилар. Улар орасида олий ўқув юртларининг, ҳунар-техника билим юртларининг муаллимлари, мактаб ўқитувчилари бор. Улар ҳозир умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш борасида қаттиқ иш олиб бормоқдалар. Мактаб ислоҳоти ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришни талаб этмоқда.

Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган чет давлатларнинг вакиллари ҳам студентлар билан бир сафда одим ташлаб бормоқдалар. Улар бизнинг мамлакатимизда зарур билимларни эгаллабгина колмай, шу билан бирга интернационализм, пролетар бирдамлиги каби эзгу сабоқларни ҳам оладилар.

Тошкент меҳнаткашларининг Биринчи май намойиши улар улуғ Ленин васият қилганидек, халқларнинг бузилмас дўстлигини мустаҳкамлашга, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиришга интилаётганликларини янги куч билан тасдиқлади. Байрам намойишининг қатнашчилари кўтариб ўтган юзлаб, минглаб транспарантлар партиянинг доно ички ва ташқи сиёсати қизғин маъқуллаётганлигини, мамлакат коммунистларининг навбатдаги анжуманини жамиятимизнинг социал ва иқтисодий тараққиёти барча соҳаларида салмоқли ютуқлар билан кутиб олишга азму қарор берилганлигини ифода этди.

Меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги кунига бағишланган тантаналар бутун кун бўйи давом этди. Байрам либосидаги шаҳар оқшомда мушакбозликдан нурафшон бўлди.

О. ОСИПОВ,
С. ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ мухбирлари.



ТОШКЕНТ. 1985 йил 1 Май. Меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

В. Молгачев, С. Маҳкамов ва ЎзТАГ фотолари.

КОММУНИСТИК АХЛОҚ ТЎҒРИСИДА

«В. И. Ленин. Коммунистик ахлоқ ҳақида» тўплами босилиб чиқди. Бу — учинчи тўлдирилган нашрда В. И. Ленининг коммунистик ахлоқ масалаларига бағишланган асосий асарлари ва фикрлари босилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

Республика областларида чигит экишнинг бориши тўғрисида шу йил 1 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда экилган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ҚАШҚАДАРЁ	0,1	100,2
ТОШКЕНТ	—	100,2
АНДИЖОН	0,2	100,1
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
БУХОРО	—	100,0
ФАРҒОНА	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
СИРДАРЁ	—	100,0
Самарқанд	1,2	99,6
Жиззах	1,0	98,3
Навоий	1,3	96,5
Хоразм	3,0	94,9
ҚҚАССР	5,9	49,6
Республика бўйича	0,9	95,4

ЁШ АВЛОД ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

29 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев раислигида СССРда халқаро ёшлар йилини ўтказувчи комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссияда Ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтадиган XII жаҳон фестивалини ташкилий ва моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бориши ҳақида бир қатор министрликлар ва идоралар, Москва шаҳар ижроия комитети, ВЦСПС, фестивалга тайёргарлик Совет комитети раҳбарларининг ахбороти тингланди. Мажлисда фестивалга тайёргарлик, халқаро тайёргарлик комитетининг IV мажлисида қабул қилинган программанинг бажарилишини таъминлаш умуман уюшқоқлик билан, белгиланган планларга биноан ўтаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга министрликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг эътибори кўзда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши учун янада таъсирчан чоралар кўришлари зарурлигига қаратилди. Комиссия Иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идораларига фестиваль рамзи бўлган кенг истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқаришни таъминлашни таклиф этди.

Комиссия мажлисида, шунингдек, совет оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг халқаро ёшлар йили тадбирларини ёритиши ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Комиссия муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсияномаларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишнинг конкрет тадбирларини белгилади.

Комиссия мажлисида Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. М. Мишин, бир қанча министрликлар ва идораларнинг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМ МАРШИДА

Ўзбекистон меҳнаткашлари халқаро бирдамлик байрамини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақада эришган меҳнат зафарлари ҳақидаги рапортлари билан намойишга чиқишди.

● **НУКУСда** Биринчи май байрами арафасида Ильичга улуғвор ҳайкал ўрнатилди. Намойиш қатнашчилари «КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб берамиз», «Фашизм устидан қозонилган Ғалаба байрамини Бутуниттифоқ шанбалигида зарбдор меҳнат билан нишонлаймиз!» деган шиорларни кўтариб ўтишди. Қорақалпоғистон пойтахтининг ишчилар синфи байрамни саноат маҳсулотини реализация қилиш тўрт ойлик планини барвақт бажариб билан кутиб олди. Ишлаб чиқариш суръатлари ўсди, меҳнат коллективлари халқ учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини оширишга астойдил киришдилар.

Ишчилар колонналари орасида автоном республиканинг пахтакорлари ва шоликорлари намояндалари боришди. Лекин деҳқонларнинг асосий қисми баҳор байрамини далаларда кутиб олди. Пахтачиликнинг энг шимолий зонасида чигит экиш қизғин паллага кирган. Қорақалпоғистон пахтакорлари чигит экишни энг қулай агротехника муддатларида ўтказишга интилиб, бирор соатни ҳам, бирор дақиқани ҳам бекор кетказмаяптилар.

Ўз меҳнати билан мамлакатнинг энергетика потенциалини кўпайтираётган, кун сайин Энергетика программасини бажаришга қўшаётган ҳиссасини ошираётган газчилар, Уст-Юрт ер бағри разведкачилари ҳам байрамни иш жойларида кутиб олишди.

Намойиш қатнашчилари мамлакатимизнинг барча қардош халқларига, жаҳондаги барча халқларга мусаффо осмон ва ёрқин қуёш ёғдусини тиладилар.

● Пойтахт **Тошкент области** шаҳарлари ва қишлоқларининг меҳнаткашлари Биринчи май колонналарида юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий кўтаринкилик ҳукм сурди. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари кишиларнинг ғайратига ғайрат қўшди.

Май олди мусобақасининг ғолиблари индустриал Чирчиқ меҳнатчилари байрам намойишларининг олдинги сафида бордилар. Ўзбекистон ёқий эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг меҳнатчилари «Байрамга пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилди!» деб рапорт бердилар. Чирчиқ трансформатор заводининг коллективи Биринчи майгача топшириққа қўшимча равишда етти юз минг сўмлик маҳсулотни реализация қилди. «Ўзбекхиммаш» меҳнатчилари катта химия корхоналарига программада белгиланганига қўшимча равишда ярим миллион сўмлик кўп замонавий машинаускуналар жўнатдилар.

Шу шуни Бекобод ва Олмалиқ металлурглари, Ангрен бинокорлари ва энергетиклари, Янгиёўл озиқ-овқат саноати ходимлари беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажаришга ўзлари қўшган ҳисса ҳақида ахборот бердилар... Меҳнат рапортларида пойабзал, газлама, кийимкечак, идиш-товоқ, бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилганлигидан далолат берувчи рақамлар қайд этилган.

Республикада биринчи бўлиб экишни тугаллаган область пахтакорлари жадал суръатлар билан ғўза парваришини бошлаб юбордилар. Кўпгина пайкалларда ўн биринчи беш йилликнинг тугалловчи йили мўл ҳосилига омил бўлган ёш ниҳоллар гуркираб турибди.

● **АНДИЖОНда** партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари намойишни бошлаб беришди. Уларнинг кўксида орден ва медаллар ярқираб турибди, орден ленталари камалакдек товланмоқда. Уларнинг кўпларигарчи ҳақли равишда пенсияда ҳордиқ чиқаришаётган бўлса ҳам байрам кунларида, зарбдор меҳнат соатларида ҳамиша жонажон коллективлари билан бирга. Улар ленинча шанбаликда меҳнат бригадаларининг сафига қўшилиб кетишди, Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик меҳнат байрамида ҳам худди шундай меҳнат қилишади.

Минбарлар ёнидан Андижон машинасозлик заводининг колоннаси ўтиб бормоқда. Унинг сафида энг кекса ишчилардан В. П. Лейбо билан М. Г. Артемов ҳам бор. Суронли 1941 йилда улар завод билан бирга Воронеждан кўчиб келдилар, фронт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар, ёшларни ишчи касбларига ўргата бошладилар. Намойишчилар сафида бугун Василий Петрович билан Митрофан Григорьевич ҳаётга йўлланма берган юзлаб ишчиларни кўриш мумкин.

Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари ўтиб бормоқда. Кўпдан кўп шиорлар орасида уруш йилларининг мана шу плакати ҳам бор: «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун!», Днепропетровскдан Андижонга эвакуация қилинган корхонанинг ишчи аёллари уйқу ва дам олиш нималигини билмай, жангчиларга кийимкечак етказиб берганларида ана шу шиор билан меҳнат қилган эдилар. Бундан 40 йил муқаддам Ғалабани иш жойида кутиб олганлар ҳозир ҳам оз эмас. Байрамона кийимлардаги жанговар ва меҳнат мукофотлари шундан далолат бериб турибди.

● **БУХОРОда** шаҳар корхоналарининг илғор ишчилари ва новаторлари намойишни бошлаб беришди. Уларни қарсаклар билан кутиб олишди. Бухоро тўқимачилик комбинатидан йигирувчи Ольга Чернованова билан тўқувчи Шарофат Тошева, пиллакашлик фабрикасидан пилла ўровчи Валентина Дурова билан Фотима Ваҳобова, 163-қурилиш трести ғишт терувчилар бригадири Исмат Истамов, 1 Май ва Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилган шонли меҳнат вахтасида фидокорона ва юксак унумли меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Улар социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, ўн иккинчи ва ўн учинчи беш йилликлар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Бухоро мотор-ремонт заводи, зардўзлик буюмлари фабрикаси, қоракўл заводи, бошқа корхона ва ташкилотларнинг коллективлари январь-апрель ойлари топшириғини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Намойиш қатнашчилари ўтаётган майдон узра халқ Болгариясининг куйлари янграйди. Намойишчилар сафида Бухорода ишлаётган Болгария қурилиш группасининг аъзолари ҳам бор. Улар ўзбекистонлик дўстлари билан бирга ер юзи меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик байрамини нишонламоқдалар.

● **ЖИЗЗАХдаги** Биринчи май намойишида «Госкомсельхозтехника» ремонт заводи ишчилари кўтариб бораётган плакатда «30 электр двигатели, 22 автомобиль мотори» деган ёзув битилган. Корхона шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида пландан ташқари ана шунча маҳсулот ишлаб чиқарди. Бунга меҳнат унумдорлигини бир ярим процент ошириш ҳисобига эришилди. Ишлаб чиқарилган двигателларнинг таннархи 2 процент камайтирилди. Бу муваффақиятга намойиш қатнашчилари — Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва беш йиллик қаҳрамонлари Акбар Мансуров, Михаил Хрисанов, Юрий Туманский, Абдураим Абкеримов, Владимир Волчков ва ўнлаб бошқа кишилар муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг актив иштирокида завод қиёфаси чирой очмоқда, трактор шассиларини ремонт қиладиган цех қад кўтарди, материалларни иқтисод қилиш, сермеҳнат ишларни механизациялашга қаратилган таклифлар жорий этилмоқда.

Пластмасса заводи, бинокорлик материаллари комбинати, устки трикотаж кийимлари фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам байрамни ғалаба рапортлари билан кутиб олиб, Биринчи майга ўзларининг туҳфаларини олиб келишди.

● **ҚАРШИдаги** намойишчилар сафида биринчилардан бўлиб Днепрпи кечиб ўтган Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ҳозир нон комбинати мастери М. П. Шибаев, Шуҳрат орденларининг тўла нишондори И. Т. Егоров, мағлуб бўлган Берлинда ўтказилган биринчи митинг иштирокчиси бинокор Н. Т. Царькова, бутун ҳаёти Қарши дашти кенгликларини ўзлаштираётган, янги совхозлар, завод ва фабрикалар бунёд этаётган ёшларга ажойиб тарзда намуна бўладиган бошқа ветеранлар фахрли ўрин олишди.

Қўриқ ўлкасида катта ўзгаришлар юз берди. Муборак теплоэлектроцентралининг биринчи навбати дастлабки қувватни бера бошлади. Шўртан газ комплексида янги қувватлар ишга туширилди. Дашт ерларни мелиорациялаш юзасидан улкан ишлар авж олдириб юборилди. «Южний» магистрал коллектори реконструкция қилинди, Қарши магистрал каналида гидроиншоотлар комплекси ишга шайлаб қўйилди. Бу комплекс Толимаржон сунъий денгизида бир миллиард кубометрдан зиёд обиҳаёт тўплашга имкон беради.

Намойиш қатнашчилари тинчлик ва меҳнат байрамига ана шулар ҳақида рапорт бердилар. Улар партия қўйган вазифаларни шараф билан бажарамиз, деб ишонтирдилар.

● **НАВОИйда** химикларнинг кўп минг кишилик коллективи вакиллари кўтариб ўтган транспарантларда «КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаймиз!» деган сўзлар ёзилган.

«Навоиазот» бирлашмасининг коллективи аҳиллик билан съезд олди зарбдор вахтасида туриб ишламоқда. Бу вахта бошқа бир воқеага тайёргарлик билан бир пайтга тўғри келиб қолди. Корхона шу йилнинг охирида ишга туширилганлигининг йигирма йиллигини нишонлайди. Бу ерда дастлабки донадор ўғит олинган пайтдан буён ҳар уч йилда янги цех қад кўтариб турди. Тўғрироғи, завод ичида завод бунёд этилди. Бугунги кунда «Навоиазот» Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитнинг анчагина қисмини, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган нитрон толасининг учдан бир қисмидан кўпроғини бермоқда.

Ўз ишининг моҳир усталари, катта аппаратчилар Т. Юхно, Л. Жолудева, аппаратчи Е. Лисенчук, электр слесарлар бригадири Б. Соғинбоев, токарь А. Бельданов ҳамда Биринчи май намойишининг олдинги сафида боришга ишонч билдирилган бошқа кишилар коллективнинг меҳнат шуҳратини шарафладилар.

● **НАМАНГАНда** «Узэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг меҳнаткашлари намойишчиларнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Корхона областда биринчи бўлиб кенг кўламдаги иқтисодий эксперимент шароитида ишлай бошлади. Бу ерда бир йил ичида меҳнат унумдорлиги тўрт процент ўсди, маҳсулот таннархи сезиларли арзонлашди, унинг сифати яхшиланди. Бирлашма меҳнаткашлари Биринчи майга «Шартномалар бўйинча барча маҳсулотларни ўз муддатида етказиб берамиз!» деб рапорт бермоқдалар.

Ягона наряд асосида ишлашга ўтилганлиги коллективга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Заводда ҳар беш бригаданинг тўрттаси ана шу принцип асосида меҳнатга пировард натижага қараб ҳақ тўлаш, меҳнат иштироки коэффициентини ҳисобга олган ҳолда ишламоқда.

Область марказида жами етти юздан ортиқ бригада, қарийб ўн беш минг киши меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаси асосида ишламоқда. Наманган байрамгача пландан ташқари 6,5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилганлиги уларнинг хизматидир.

● **САМАРҚАНДдаги** қийин эрийдиган пармалаш асбоблари тажриба заводи, трикотаж фабрикаси, «Красний двигатель» заводининг меҳнаткашлари шаҳарда ўтказилган май олди социалистик мусобақасининг пешқадамлари бўлишди. Улар байрам колоннасида олдинги сафларда боришди.

Индустриал Самарқанд партия кўрсатмаларини амалга ошира бориб, халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтираётганлиги ранг-баранг транспарантларда акс эттирилган. Ҳозирги пайтда ҳар йили ярим миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқда.

Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг колонналари ўтиб бормоқда. Олимлар янги янги технология ечимларини, қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини ишлаб чиқмоқдалар. Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти ходимларининг таклифларини жорий этишдангина олинган иқтисодий самара 17,7 миллион сўмни ташкил этди.

● **ТЕРМИЗда** ўтказилган байрам намойиши сафларида Улуғ Ватан урушининг ветеранлари ва беш йиллик зарбдорлари ёнма-ён бордилар. Тинчлик кунларининг қаҳрамонлари оталари ва боболари анъаналарини шараф билан давом эттирмоқдалар, уларнинг меҳнат зафарлари Ватан ҳимоячиларининг жанговар ишларига муносиб бўлмоқда. Сурхондарё саноат корхоналарининг коллективлари байрам олди мусобақасини авж олдириб тўрт ойлик топшириққа қўшимча равишда 10 миллион сўмликдан ортиқ пахта толаси, нефть, ўсимлик ёғи, кийимкечак ва бошқа моллар реализация қилдилар.

Афғонистон Демократик Республикаси учун юк ташиш билан банд бўлган транспортчилар — дарё ходимлари, темир йўлчилар ва автомобилчилар Биринчи май шарафига ўтказилган вахтада зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Улар афғон дўстларга минерал ўғит, кенг истеъмол молларини узлуксиз етказиб бермоқдалар.

Область деҳқонлари байрамни ғўзани яхши парваришлаш билан нишонладилар, бу йил улар пахтазорларнинг учдан икки қисмида энг қимматбаҳо ингичка толали пахта навини етиштирмоқдалар.

● **ГУЛИСТОНда** намойишчилар колонналарида гуллаб яшнаётган Мирзачўлнинг ёрқин белгилари акс эттирилди. Гулистон тажриба ремонт-механика заводининг коллективи намойишнинг олдинги сафида борди. Корхона коллективи бу йил ирригаторлар ва мелиораторлар учун мўлжалланган машина-механизмларни ремонт қилиш бўйича «Главсредазирсовхозстрой»нинг асосий базаси бўлди. Завод меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда корхонани тубдан реконструкция қилиб, шу йилнинг ўзидаёқ янги цехларни ишга туширишга қарор бердилар. Илғор корхона меҳнаткашлари кўтариб бораётган транспарантларда тўрт ойлик топшириқ муваффақиятли уддаланганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги номли Гулистон тикувчилик фабрикаси, нон заводи, қурилиш ва транспорт, ташкилотларининг коллективлари социалистик мусобақада ўзлари эришган муваффақиятларни ўртоқлашдилар.

Планетада тинчликни мустаҳкамлашга, ядро уруши хавфини бартараф этиш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашни кучайтиришга даъват этувчи плакатлар намойишчиларнинг сафлари узра кўзга ташланади. Мирзачўлликлар барча тараққийпарвар инсоният билан бирга империалистик доираларнинг жаҳонни ҳалокат гирдобига тортишга уринишларига қарши чиқмоқдалар.

● **ФАРҒОНАда** анъанага кўра Биринчи май намойишини ёшларнинг шаҳар физкультурачилари, мактаб ўқувчилари, студентлар ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг қўшма колоннаси бошлаб берди. Улардан кейин индустриал Фарғонанинг ишчилар гвардияси В. И. Ленин номли майдонга кириб келди. Ўзбекистонда энг кекса корхоналардан бири — Р. Люксембург номли пиллакашлик фабрикасининг коллективи намойишчиларнинг олдинги сафида бормоқда. Улардан кейин нефтни қайта ишловчилар, химиклар, тўқимачилар, пойабзалчилар, қурувчилар минбарлар ёнидан ўтиб бордилар.

Колонналар узра КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватловчи сўзлар ёзилган шиорлар қайта-қайта такрорланди. Намойиш қатнашчилари «Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон партияга шон-шарафлар!» деган сўзларни баланд овоз билан такрорладилар.

● **УРГАНЧда** намойишни бошлаб берган уруш ветеранларини, бундан 40 йил муқаддам гитлерчи галаларни тор-мор этишда қатнашган кишиларни минбардагилар самимий табрикладилар. Уларнинг сафларида собиқ снайпер, икки Шуҳрат ордени нишондори Семён Кузнецов ўтиб бормоқда. У «Ургенчрасжирмаслопром» ишлаб чиқариш бирлашмасида слесарь бўлиб, зарбдорларча ишламоқда. Қизил Юлдуз ордени нишондори, пахта заводининг ишчиси Маҳмуд Саидов, Днепр дарёсини кечиб ўтишда қатнашган шофер Саъдулла Матёқубов ва бошқа ветеранлар, шунингдек шу кунларда ҳам куч-ғайратини аямай меҳнат қилиб, ёшларга намуна бўлаётган бошқа ветеранлар Семён Кузнецов билан ёнма-ён бормоқдалар.

Одамлар оқими Ильич ҳайкали ёнидан ўтиб бормоқда. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг бир неча бор ғолиби — «Средазтрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг колоннаси майдонга кириб келади. Газчилар яхши анъанага кўра Уралга ва мамлакатнинг марказий районларига ёқилғи юбориш тўрт ойлик топшириғини яна муваффақиятли уддаладилар.

Пиллакашлар, тикувчилар, энергетиклар, автомобилчилар ўзлари байрам вахтасида эришган меҳнат ғалабалари тўғрисида рапорт бердилар...

* * *

Биринчи май куни Ўзбекистон ишчилари ва колхозчилари, халқ зиёлилари Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганликларини, бу йилги ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этишга, КПСС XXVII съездини янгидан янги муваффақиятлар билан кутиб олишга азму қарор берганликларини яна бир бор намойиш қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЁЗУВЧИ МИНБАРИ

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

МУБОРАК АЙЁМ

БИРИ-БИРИДАН кўркам, бири-бириданқувончли байрамлар ичида 1 Май айниқса, ўзгача файзу таровати билан ажралиб туради.

Чор-атрофга баҳор сепини ёйган. Осмон мусаффо. Ям-яшил далаларда меҳнат сурури ҳукмрон. Ғўза икки қулоқ бўлиб кўриниш берганига ҳам анчагина бўлди. Айни шу кунларда илғор меҳнаткашлар ғўзасига ишлов бераётир. Ҳа, пайкаллар ҳам, хиёбон-у, кўчалар ҳам ижодий меҳнат билан машғул ажойиб кишилар — бахтиёр замондошларимиз билан гавжум. Севишганлар табассуми боғлардаги қийғос очилган гулларни эслатади кишига. Кўкси орден ва медалларга тўла нуроний ветеранлар давраларнинг тўрида. Бу — Ватанимизда меҳнат кишисига бўлган тенгсиз эҳтиром ва чексиз ғамхўрликдан далолат эмасми! Энг муҳими, бу осойишта ҳаёт, турли миллат вакилларининг бир оила фарзанди каби аҳил-тотув яшаши, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бу кунги кўрку таровати, хиёбонлар узра янграётган шўх садолар, турмушимизнинг фаровонлиги — Совет ҳукумати тинчликсевар сиёсатининг улуғвор тантанасидан.

Мана, қирқ йилдирки, совет халқи 1 Май байрамини катта режа ва ёрқин ниятлар билан, осойишталик ва шоду ҳуррамлик ичра кутиб олаётир. Қизил гул янглиғ қизил алвонлар, баҳор шабадасида майин ҳилпираётган ол байроқлар, оташин шиорлар ва чиройли плакатлар билан безатилган гўзал пойтахтимизнинг серғулу кўчаларидан ўтар экансиз, меҳнаткаш ҳамшаҳарларимиз шодлигини, уларнинг руҳиятидаги ўзгача бир кўтаринкиликни пайқашингиз муқаррардир. Бунинг сабаблари бор: бири — байрам арафасида Москвада бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми таъсири бўлса, яна бири — саккиз кундан кейин бутун прогрессив инсоният кенг миқёсда нишонлайдиган Буюк Ғалабанинг 40 йиллик тўйи арафасидаги ҳаяжондир. Боз устига бу йил биз — коммунистлар учун, беполён мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари учун алоҳида масъулиятли йил — шонли партиямизнинг XXVII съездига тайёргарлик ҳамда унга катта меҳнат зафарлари билан бориш йилидир.

Комил ишонч билан шуни айтиш мумкинки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевнинг апрель Пленумидаги ёқрқин доклади барча совет кишиларининг қалбида чуқур из қолдирди. Бунинг асосий сабаби шуки, партиямиз раҳбари халқимизнинг дилидаги гапларни айтди, энг ҳаётий, долзарб масалаларни ўртага қўйди...

ЎТГАН ДАВР ичида совет халқи эришган оламшумул ғалабаларни ҳеч ким, ҳатто энг ёвуз душманларимиз ҳам инкор эта олмайди. Мамлакатимиз босиб ўтган шонли йўлни, бу йўлда биз қўлга киритган ютуқларни дунё аҳли кўриб, ифтихор ҳамда самимий хайрихоҳлик билан кузатиб турибди. Империализм асоратидан қутилган кўпгина мамлакатлар, хусусан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари биз босиб ўтган шарафли йўлдан келаётир, биз танлаган эркин, социалистик тузумни танлаётир ва шу йўлда салмоқли ютуқларга ҳам эришаётир. Айни замонда, катта иш, катта оилада ҳамиша ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар, ечилиши зарур муаммолар бўлгани каби бизнинг улкан ишларимизда ҳам айрим камчилик ва долзарб масалалар бор эканки, бу муаммолар Пленумда коммунистларча принципиаллик билан кун тартибига қўйилди. Саноатга янги техникани дадил жорий этиш, илм-фан революцияси эришган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, соғлиқни сақлаш, маориф, қишлоқ хўжалигидаги айрим иллат ва кўзбўямачиликларни тезроқ бартараф этиш ҳамда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби масалалар чиндан ҳам пишиб етилган муаммолар эди. Ҳаётда пишиб етилган масалаларни мардона айтиш, уларни тезда ва дадил ҳал қилиш эса доҳийимиз Владимир Ильич Ленин айтган энг муҳим васиятлардан биридир. Байрам арафасида улкан партиявий принципиаллик билан ўтган КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми шуни кўрсатиб турибдики, партиямиз Марказий Комитети доҳийимиз В. И. Ленин васиятларини изчил ва тўла-тўкис амалга оширмоқда.

Пленумда кўтарилган энг муҳим масалалардан бири — бу ядро урушига йўл қўймаслик, жаҳонда тоабад тинчлик ўрнатишдир. Бу ҳам ҳар бир кишининг, жаҳон халқларининг энг олий, азалий орзуси. Шу боис ҳам докладда бу ҳақда айтилган ҳар бир гап, партия ва ҳукуматимизнинг Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш соҳасида олиб бораётган ибратомуз ишлари, ақл-идрок ва сабр-матонат билан амалга оширилаётган тадбирлар ватандошларимиз қалбида чуқур ҳаяжон, ифтихор ва миннатдорчилик туйғуларини уйғотди, фақат совет кишиларигина эмас, балки дунё халқлари юрагида катта умид ва зўр ишонч туғдирди. Зеро, КПСС билан Совет ҳукумати ядро урушига йўл қўймаслик, инсониятнинг тинч ва осуда келажаги учун курашни ташқи сиёсий фаолиятнинг ҳам асоси деб билади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев апрель Пленумида совет адабиёти ва санъатига ҳам юксак баҳо берди. Тўғри, докладда адабиёт ва санъатимизнинг энг мумтоз намуналари кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашга хизмат қилаётганлиги таъкидланганн ҳолда ижодкорлар зиммасига катта вазифалар ҳам юкланди. Ҳозирги мураккаб даврда, буржуа пропагандаси мамлакатимизга қарши узлуксиз бўҳтонлар ёғдираётган бир шароитда ижод аҳли қараб турмаслиги, аксинча, ёрқин фаолият кўрсатиши зарурий ҳолдир.

Айни шу кунларда ҳар бир ижодий ташкилот Пленумда олдинга қўйилган асосий вазифаларни амалга ошириш тадбирларини белгилаётир. Театрларимиз янги спектакллар билан, ноширларимиз етук асарлари билан талабчан халқимизни мамнун этишига умид қиламиз. Табиийки, салмоқли, баркамол асар бир кун ё бир ой-икки ойда юзага кела қолмайди. Бунинг учун муайян муддатда теран мушоҳадани юзага чиқаришга омил бўладиган катта меҳнат қилиниши зарур. Лекин қалбдан отилиб чиққан самимий ва оташин сўз, халқимиз амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишлари, айниқса, республика Компартияси Марказий Комитети адолатли, покликни ва ҳалолликни қарор топтириш йўлида амалга ошираётган беқиёс тадбирлар ҳақида ёниқ қалб билан, ҳарорат билан ёзилган публицистик асарлар шу кеча-кундузда сув билан ҳаводек зарур бизга. Биз ижодкорлар бу борада ҳамиша ҳозиржавоб бўлмоғимиз ва партия даъватига лаббай деб жавоб бермоғимиз даркор. Ва шундай бўлади ҳам.

Айни шу кеча-кундузда далаларни кезган киши меҳнаткашларнинг кайфияти бу йил ҳар қачонгидан ҳам баланд эканлигига гувоҳ бўлади. Зотан, партия ва ҳукуматимиз нимаики тадбирни амалга ошираётган бўлса, буни у — меҳнат кишиси ва унинг бахт-саодати, порлоқ истиқболи учун қилаётир.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари, уларда кўтарилган масалалар, нопокликка қарши кураш, нони халол меҳнат кишисига чексиз ғамхўрликдан руҳланган пахтакорлар фидокорона ишлашмоқда. Буни биз ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз...

Қаён қараманг, меҳнат сурури, байрам руҳи. Кўчаларда қўлларида байроқча тутган фарзандларини етаклаб олган ота-оналар, бахтдан энтикиб кетаётган ёш-яланглар, пири-бадавлат нуронийлар... Улар умрининг ҳар лаҳзаси йилларга тенг бўлмоғига эришаётган, улуғ шоиримиз айтганидек, тақдирини ўз қўли билан яратаётган том маънодаги ижодкор замондошларимиздир. Уларнинг чеҳрасидаги хотиржамлик, лабларидаги табассум, кўзларидаги қувонч турмушимиз маъмурлигидан, истиқболга ишончнинг чексизлигидан ва бугун 1 Майлигидан! Ҳа, мамлакатимизда улкан шодиёна — баҳор байрами! Улуғ айёминг из муборак, азиз юртдошлар!

БАЙРАМ АХБОРОТИ

БОЛАЛАР УЧУН

● Янгийўлдаги болалар пойабзали фабрикасининг коллективи ёзги мавсумгача «Н» («Янгилик») индекси қўйилган йигирма хил оёқ кийими тикиб чиқаришни ўзлаштирди.

Янгийўллик пойабзалчилар буюмлар сифатини анча яхшилаш имконини берувчи янги технологияни тез ўзлаштириб олдилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Орзухон Икматова ҳар куни икки нормадан иш бажариб, янги буюмларни тайёрлашда юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда. Тайёрловчи Тамара Самохина, пардозловчи Тожихон Имомбоева каби пешқадамлар илғор ишчидан ўрнак олиб, юксак сифатларга эришмоқдалар.

Янгийўл пойабзалчилари бу йил магазин пештахталарига пландан ташқари 100 минг жуфт болалар пойабзалини жўнатадилар.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

● Самарқанд трикотаж фабрикасида фестиваль рамзий белгиси қўйилган спорт буюмларининг дастлабки туркуми тайёрланди.

Булар ритмик гимнастика машғулотлари учун мўлжалланган костюмлар, футболкалар, майкалардан иборат. Бу йил келишиб олинган нархларда сотувга қўйиладиган 50 мингта трикотаж буюмни харидорларга жўнатиш мўлжалланмоқда. Трикотаж фабрикасининг ишчилари харидоргир бўлиб бораётган буюмларни реализация қилишдан тушган фойданинг бир қисмини Тинчлик фондига ўтказишга аҳд қилдилар.

ХАРИДОРГИР МОЛЛАР

● Наманган тикув бирлашмасида тайёрланган эркаклар кўйлаклари пештахталарда туриб қолмяптн.

Бу ерда харидорлар талабини ўрганишга жиддий киришилди. Бу яхши натижалар берди. Намангандаги барча йирик магазинларда ҳам харидорларнинг корхона маҳсулотига бўлган эътиборини, шунингдек, кийимкечак турлари хусусида ўз таклифларини ёзиб қолдириши учун журналлар қўйилди. Бирлашманинг модельер-конструкторлари группаси эса бу таклиф ва эътирозларни умумлаштиради ва ҳисобга олиб боради.

Бу тажриба ўз самарасини кўрсатди: Наманган тикувчилари йил бошидан буён харидорларнинг маслаҳатларига кўра, эркаклар кўйлаклари олтита янги моделини тикишни ўзлаштирдилар. Бу кўйлаклар замонавий бичимда бўлиб, жуда чиройли тикилмоқда. Натижада улар ғоятда харидоргир бўлиб қолди. Коллектив йил охиригача яна 16 хил янги бичимдаги кийим-кечакни ўзлаштиришни мўлжалламоқда. (ЎзТАГ).

МАЙ ИЛҲОМЛАРИ

ТАБАССУМЛАР СОЧ!

Пистадай сочилар кўк суюнчиси
Деҳқоннинг бўлажак дастурхонига.
Баҳор ёмғири кел, ризқим элчиси
Халқимнинг шодумон хонадонига.

Сочларни тароқлаб юв дарахтларни,
Япроқлар айлансин феруза кўзга.
Ғубордан тозала чанг юракларни
Ташналик қолмасин «пок» деган сўзга.

Тунука томларда чалиб ноғора
Кузак тўйларидан бергил башорат.
Ҳалоллик меҳнатга туташ тобора,
Дунёга келмоқда полвон жасорат.

Баҳор ёмғири кел, ботир мисоли
Чақмоқ қиличингни ялтиратганча:
Осмондаги қуёш— менинг тимсолим,
Тўсмоқчи чодирни эт парча-парча.

Боққанда ғанимлар дили тилиниб
Қуроли сирғалиб қўллари толсин.
Қуёш ёғдулари миллиард тиғ бўлиб
Ёвуз ниятларга санчилиб қолсин.

Ёмғир, келар бўлсанг, кўкни гумбурлат,
Чўчитиб уйғотгил ғафлат даштини.
Билсинким— табиат инсонга ҳамдард,
Ва темир қўлларга тутмас бахтини,

Тинчлик йўлларида одамлар — дарё.
На бошн, на кети кўринмас уммон.
Куррадан ювилсин деб зулмат, фарёд
Тинчлик бағрига талпинар инсон.

Хандон писталардай тўкилик тўкиб
Эй, баҳор ёмғири, табассумлар соч!
Хандон писталардай шўх қўшиқ тўқиб
Бизнинг юртимизга ёғдиргин қувонч.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА.



ҒИЖДУВОН ЧИРОЙИ

Ғиждувон— Бухоро областининг йирик маъмурий ва маданий марказларидан бири. Ғиждувонликлар асрлар давомида деҳқончилик, боғдорчилик, тўқимачилик, пазандалигу қандолатчилик билан шуғулланиб келишган. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам давом эттирилаётир. Қадимий ҳунармандчилик саноат асосида ривож топмоқда.

Шаҳар кейинги йилларда ободонлашиб, янада ёшарди. Саноат корхоналари, уйжой, маданий-маиший бинолар қурилиши кенг кўламда олиб бориляпти. Ўн биринчи беш йилликда йилига 1960 тонна калава бериш қувватига эга бўлган йигирув фабрикаси ишга туширилди. Яқинда эса йилига 12 миллион метр газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган тўқимачилик фабрикаси фойдаланишга топширилади.

Йигирма хилдаги буюмлар ишлаб чиқараётган Ғиждувон керамика заводининг маҳсулотлари ҳам харидоргир бўлиб турибди.

Суратларда: шаҳар марказининг кўринишлари.

Б. Юсупов ва А. Мирзажонов фотолари. (ЎзТАГ).

СОВЕТ АРТИСТЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

АККРА, 30 апрель. ТАСС мухбири Ю. Савицкий хабар қилади: Африка мамлакатларн бўйлаб гастрол сафарини ўтказаётган совет артистларини Гана томошабинлари қизғин қаршиладилар. Гастрол — совет халқи Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллигига ҳамда ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтадиган XII Жаҳон фестивалига бағишланди.

РСФСР халқ артисти Александра Стрельченко билан Юрий Антонов ижросидаги рус халқ ва Совет қўшиқлари ганаликларга айниқса манзур бўлди. Иллюзионистлар, РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Мари АССР халқ артисти Юрий Мозжухин билан Мари АССР халқ артисти Литфия Мозжухиналарнинг зўр маҳорати ва ўткир техникаси томошабинларни лол қолдирди. Умумроссия ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари ёш артистлардан ўзбекистонлик Насриддин Шерматов, Шимолий Осетиядан Земфира Калоева билан Константин Дзбоев чиқишларини давомли қарсаклар билан тақдирладилар.

Гананинг маданият ва туризм масалалари билан шуғулланувчи секретари Муҳаммад бен Абдалла совет артистларини табриклаб, маданият соҳасида муваффақиятли ривожланаётган Совет — Гана ҳамкорлигидан мамнуният изҳор этди.

ТУНИСДА БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР КУНИ

ТУНИС, 1 май. (ТАСС). Тунисда Жаҳон биродарлашган шаҳарлар куни кенг нишонланди. Германия фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб Монастир шаҳрида ўтказилган фотокўргазма тантаналарнинг асосий воқеаларидан бирига айланди.

Монастир шаҳар ҳокими Хасен Бергауи кўргазма очилишида гапириб, бутун тараққийпарвар инсоният, шу жумладан араб мамлакатлари халқлари фашизмни тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган Совет Иттифоқига чуқур ҳурмат билдирадилар, деб таъкидлади. Бу тарихий Ғалаба халқларни мустамлакачилик зулмидан озод этиш йўлини очиб берди.

Тунис жамоатчилиги намояндаларининг нутқларида таъкидланганидек, кўп йиллардан буён биродарлашиб келаётган шаҳарлар — Тошкент билан Тунис, Душанбе билан Монастир, Самарқанд билан Қайруан ўртасидаги алоқалар муваффақиятли ривожланяпти.

РАССОМ ХАНДАСИ

1. Онла намойишда.



2. Буёғи аломат бўлди-ку!

В. Муромцев расмлари.

МЕТРО:

ЯНГИ ЛИНИЯЛАР ЛОЙИҲАЛАНМОҚДА

Тошкент метросининг келажаги қандай? Янги линиялар қайси районлардан ўтади ва станциялари қаерларда жойлашади? Бу саволларга «Ташметропроект» институти директори М. Холмуродов қуйидагича жавоб берди:

— Жаҳон метросозлиги солномасига «36» рақами билан киритилган Тошкент метрополитенининг қарийб 22 километрли линиясида ер ости «яшил экспресс»лари тинмай қатнаб турибди. Метрополитен кунига 300 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Ер ости трассасини кенгайтириш, унинг янги линияларини бунёд этиш асосан бизнинг институтимиз зиммасига юклатилган. Коллективимиз бу борада изланмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Чунончи, 2000 йилгача шаҳар пассажир транспорти системасини ривожлантириш тадбирларига кўра умумий узунлиги 60 километрдан зиёд бўлган бир-бири билан кесишувчи учта линияни барпо этиш кўзда тутилган. Ҳозир бу программа муваффақиятли амалга ошириляпти. Иккинчи линиянинг иккинчи навбати — Чкалов номли ва «Ташсельмаш» станциялари қурилиши давом эттирилади. Бу линияларнинг қурилиши 1987 йилда тамомланиши керак. Шунингдек, «Навоий» станциясидан Қорақамиш томон ҳам туннель қазиш ишлари олиб бориляпти. Ҳозирча бу линиянинг станциялари шартли равишда белгилаб чиқилди. Янги линиянинг станциялари: «Ҳадра», «Чорсу», «Тинчлик», Беруний номли деб аталади.

Шу кунларда ишлаб турган Собир Раҳимов номли— Максим Горький номли станциялардан иборат биринчи линия кейинчалик Қорасув массиви орқали СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасигача давом эттирилади.

Бўлажак учинчи линия Юнусобод — Сергели ер ости трассасидир. 20 километрли бу линия шаҳар марказида биринчи ва иккинчи линияларни кесиб ўтади. Бунинг натижасида бир линиядан иккинчи линияга ўтиш учун шаҳар марказида учта тугун ҳосил бўлади. Бу транспорт тугунлари «Октябрь революцияси», Ойбек номли, «Пахтакор» — Навоий номли ер ости бекатларидан иборат. Йўловчи худди шу станциялар орқали шаҳарнинг хоҳлаган районига бориш имконига эга бўлади. Бу трасса Юнусобод массивини Тошкент аэропорти билан боғлайди.

Тошкентдек сейсмологик ва захоб жойларда ер ости трассасини қуришнинг ўзи бўлмайди. Ер ости трассасини ўтказишда жуда кўп ҳолларни ҳисобга олишга тўғри келмоқда. Масалан, линия ва бекатларни белгилашимизда ернинг чўкиши, сейсмик ҳолати, ер ости сувларининг юқори юзаси, иссиқ иқлим, ва ниҳоят чангнинг миқдорини йўқотиш каби ҳоллар ҳисобга олинди. Трассалар эса ўша жойларнинг геологияси, гидрогеологияси синчиклаб ўрганилгач, йўловчилар оқими кўпроқ тарқаладиган массивлар, саноат зоналарига, хиёбон ва майдонларга қараб белгиланмоқда. Буни ўз ишимизда ҳисобга олмай иложимиз йўқ.

Хуллас, Тошкент метросининг келажаги порлоқ. Янги линияларнинг лойиҳаларини яратиш устида институтимиз коллективи барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Т. ТОШЕВ.

АМУДАРЁ УЗРА ЭНЕРГИЯ КЎПРИГИ

ТЕРМИЗ. (ЎзТАГ). 1 Май арафасида Ўрта Осиё яхлит энергия системасининг электр токи Амударё узра Афғонистонга юборила бошланди. 220 минг вольт кучланишдаги Амузанг— Давлат чегараси — Афғон соҳили электр линияси ишга туширилди.

13 километр узунликдаги электр линияси Амузанг-2 кичик станциясидан бошланади. Бу станция электр токини Тожикистондаги Норак ГЭСидан ва Ўзбекистондаги Навоий ГРЭСидан олади Кичик станциядан ноёб ўтиш линияси барпо этилган Амударёга қарата симлар тортилган. Дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб 75 метр баландликдаги устунлар ўрнатилган бўлиб, уларга сув устида 2,4 километр узунликда сим тортилган.

Мазкур линия лойиҳасини «Энергосетьпроект» институти Ўрта Осиё бўлимининг (Тошкент) мутахассислари ишлаб чиқдилар. Электр линияси қурилишида «Средазэлектросетьстрой»га қарашли 48-механизациялашган колоннадан А. Фаразалиев бригадаси ўрнак кўрсатди. Шу колоннанинг М. Дадабоев бошлиқ бригадаси симларни монтаж қилди. Ўтиш линиясининг ноёб устунлари ўрнатиладиган пойдеворни ётқизиш, айниқса, мураккаб бўлди. Устунларни асов дарё сувлари ювиб кетмаслиги учун уни темир-бетон қозиқлар билан қоплашга тўғри келди.

220 минг вольт кучланишдаги ушбу электр линиясининг ишга туширилиши СССРдан унинг жанубдаги қўшнисига тежамли режимда кўп миқдорда электр энергияси юбориш имконини бериб, дўст мамлакат халқ хўжалигини жадал ривожлантиришга хизмат қилади. «Средазэлектросетьс т р о й» коллективлари муҳим объектни ишга туширишни қарийб икки ой тезлаштирдилар: бу уларнинг меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги байрами —Биринчи майга меҳнат совғасидир.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради. Хоразм области, Бухоро ва Навоий областларининг шимолида ёғингарчилик бўлмайди. Қолган жойларда момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Фарғона водийсининг тоғли районларида майда дўл аралаш кучли ёмғир ёғиши мумкин. Жануби-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-14, кундузи 22-27, айрим жойларда 30 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Жануби-ғарбдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 24 даража иссиқ бўлади.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 4 майда чиқади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 МАЙ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Дунё воқеалари». 9.20 — Фильм-концерт. 10.20 — Телефильм. 11.00 — «Қувноқ нотачалар». 12.00 — 1 Майнинг чет эллик меҳмонлари. 12.15 — «Цирк майдонида» .12.55 — Телефильм. 13.20 — Концерт. 13.50 — Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал учрашувлари. 15.50—«Бир лаҳза қайрилиб боқ». Бадиий фильм. 2-серия. 16.55 — «Театрда, кино ва телевиденеда музика». 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Концерт. 18.30 — «Урушдан сўнг соат олтида». Бадиий фильм. 20.00 — Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви. СССР — Швейцария. 21.45 — «Время». 22.20 — Беш йиллик қурилишларига кузатишга бағишланган ёшлар кечаси. 00.05 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.50 — В. Маяковский шеърлари. 10.25 — «Жаранглла ,бандура». 10.55 — «Саёҳатчилар клуби». 11.55 — Мультфильм. 12.15 — «Улар Ватан учун жанг қилганлар». 12.30 — Концерт. 13.00 — Болалар учун фильм. 14.10 — «Дунай ортидаги запорожьелик». Опера. 16.10 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 16.55 — Телефильм. 17.55 — «Кулги кечаси». 19.20 — «Музикали мозаика». 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Ленин проспекти». 21.05 — Концерт. 21.45 — «Время». 22.20 — «Бугун — Янги аттракцион». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.15 — «Санъат байрами» конкурси лауреатларининг якунловчи концерти. 11.55 — «Менинг азиз кишим» Бадиий фильм. 13.05 — Алла Пугачева билан учрашувлар. 18.15 — «Ваҳор табассуми» 18.45 — «Цирк! Цирк! Цирк!» 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Ўртоқ қўшиқ». 2-кўрсатув. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 21.45 — «Время». 22.20 — Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Музикали фильм .19.20 — Болалар учун фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм 21.45 — МОСКВА-II

РАДИО

2 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 —«Музикали совғалар». 9.15— «Табассум». 11.15 — Буюк Ғалаба саҳифалари. 12.10 —Концерт. 13.00 — Чорвадорлар, сизлар учун. 13.30 — Музикали программа. 14.00— Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшиттириш. 17.00 —Қаҳрамонлар ҳақида қиноялар. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Болалар учун концерт. 19.25 — «Юность Узбекистана». 20.15 — Дўстлик қўшиқлари. 20.50 — В. И. Ленин ҳақида қиноялар. 21.10 — «Табассум». 22.30 — Концерт 23.30 — Дам олиш концерти

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р—05801. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А.— 101. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12